



Байрамингиз муборак, мунис ва меҳрибон она-сингиллар!

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
8 март

ПАЙШАНБА

№ 19 (13072)

www.thtp.uz

ҲАЁТ ГУЛИ, ЖАМИЯТ ТАЯНЧИНИ ҲАМИША ЭЪЗОЗЛАЙМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам
она-сингиллар!

Хурматли дўстлар!

Ҳаммамиз орзиқиб кутган мана шу
ғўзал баҳор кунларида, 8 март – Халқаро
хотин-қизлар байрами арафасида сиз,
азизлар билан учрашиб турганимдан
ғоят мамнунман.

Аввало, сизларни, сизларнинг
тимсолингизда барча онахонларимиз,
она-сингилларимиз, дилбар қизларимизни
ана шу байрам билан чин қалбимдан
муборакбод этиб, ўзимнинг чуқур
хурмат ва эҳтиромимни билдиришга
ижозат бергайсиз.

Бу кутлуг айёмда ҳурматли аёлларимизга
энг самимий, энг эзгу тилакларимизни
изхор этар эканмиз, биринчи навбатда
муқаддас ва муътабар ОНА сиймосига таъзим
қиламиз.

Аёлнинг нафосати ва назокати, вафо ва
سادокати, ақл-заковати ва фидойилиги
асрлар мобайнида ер юзиде ҳаёт давомийлиги
ва абадийлигига асос бўлиб келади. Шу боис
ҳам дунёдаги энг буюк санъат асарлари,
қўшиқ ва қасидалар, меъморий обидалар
аёллар шаънига бағишлангандир.

Оила ва жамият устуни, ҳаётимизнинг
файзи ва кўрки бўлган хотин-қизларни
эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром
кўрсатиш халқимиз учун азал-азалдан
буюк қадрият бўлиб келган ва шундай
бўлиб қолади. Чунки сизлар билан ҳаётимиз
ғўзал ва мазмунли, хонадонларимиз обод
ва нурафшондир.

Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон деб аталган
жонажон Ватанимизда ҳар қайси мард
йигит аввало меҳрибон онаси, оиласи,
фарзандлари бахтли бўлишини албатта
истайди, ҳазрат Алишер Навоий бобомиз
айтганларидек, бу йўлда ўзининг бутун
борлигини бағишлашга тайёр туради.

Бугунги байрамни биз – Ўзбекистон

тон ўғлонлари, марди майдонлари, аввало,
дилимизда, қалбимизда сизларга бўлган
меҳр ва муҳаббатимизни яна бир бор
изхор этиш имконини берадиган айём,
деб қабул қиламиз.

Азиз ва муҳтарам она-сингиллар!

Бугунги кунда Ўзбекистонни янада
ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар
стратегиясида белгилаб берилган мақсад
ва вазифаларга эришишда сиз, азизларнинг
бекиёс хиссангиз бор. Бунинг учун сизларга
ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак,
арзийди, албатта.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда турли
соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган
ишчи ва хизматчиларнинг 45 фоизини
хотин-қизлар ташкил этади. Жумладан,
давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида
1 минг 400 га яқин она-сингилларимиз
раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда.
Улардан 17 нафари сенатор, 16 нафари
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати бўлиб, 1 минг 75 нафари эса
Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари
таркибида фаолият юритмоқда.

Унлаб она-сингилларимиз "Ўзбекистон
Қаҳрамони", "Ўзбекистон фан арбоби",
"Ўзбекистон халқ ўқитувчиси", "Ўзбекистон
халқ шоири", "Ўзбекистон халқ артисти"
сингари давлатимизнинг юксак фахрий
унвонларига, орден ва медалларига сазовор
бўлган. Уларнинг орасида 500 нафардан
зиёда фан докторлари ва академиклар,
минглаб фан номзодлари ўз билими ва
истеъдоди билан Ватанимиз равақига астойдил
хизмат қилиб келмоқда.

Бугунги давримизда ана шундай муҳтарам
аёлларимизни, уларнинг давомчилари бўлган
истеъдодли қизларимизнинг муносиб
вакиллари кўриб турганимдан хурсандман.

Давоми 2-бетда ➡

Она диёримиз узра кўклар нафаси уфуриб турган
шу кунларда барчамиз баҳор ва аёл деган ардоқли
сўзларнинг бир-бирига нақадар ҳамоҳанг
ва уйғун эканини беихтиёр ҳис этамиз. Чунки,
баҳор ҳам, аёл ҳам инсон кўнглида аввало
ҳаётга муҳаббат, эзгу орзу-интилишлар,
меҳр ва саховат каби олижаноб ҳиссиётларни
уйғотади.

Пойтахтимизнинг "Ўзэкспомарказ" миллий
кўргазмалар залида 8 март – Халқаро хотин-қизлар
куни муносабати билан тантанали тадбир
бўлиб ўтди.

Унга Қорақалпоғистон Республикаси,
барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан
Ватанимиз равақи йўлида самарали меҳнат
қилаётган, жамият ҳаётининг барча жаб-
ҳаларида фидокорона фаолият олиб бораётган
аёллар, иқтидорли қизлар, мамлакатимизда
фаолият юритаётган дипломатик корпус
вакиллари сафидеги хотин-қизлар
таклиф этилди.

Байрам иштирокчилари дастлаб
Муштақиллик ва эзгулик монументи – Бахтиёр
она ҳайкали пойига гул қўйди. Пойтахтимизнинг
диққатга сазовор жойлари билан танишди.

Тантанали тадбирда Президент Шавкат
Мирзиёев иштирок этиб, мамлакатимиз
хотин-қизларини табриклади.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг
жамият ҳаётида ижтимоий-сиёсий фаолигини
ошириш, ўз қобилият ва имкониятларини
рўйбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш,
хуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш,
оналик ва болаликни ҳар томонлама муҳофаза
қилиш борасида кенг қўллади ишлар амалга
оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 2 февралдаги
"Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила
институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги
фаолиятни тубдан такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони
муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз хотин-қизлари
орасида 500 нафардан зиёд фан доктори ва
академик, 15 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони,
17 сенатор, 16 депутат бор, шунингдек,
маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 23
фоизидан зиёдини ҳамда турли соҳа ва тармоқ-
ларда меҳнат қилаётган ишчи ва

хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар
ташкил этади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон
Республикасини ривожлантиришнинг бешта
устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар
стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион
ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш
йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида
хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини
ошириш, давлат ва жамият бошқарувидаги
ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар бандлигини
таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига
кенг жалб этиш, оила асосларини янада
мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар
белгиланган.

Бу йилги байрам тадбири ҳар йилгидан
кўтарилиб руҳда ўтмоқда. Жамиятимизда
хотин-қизларнинг ўрни ва нуфузини ошириш,
ёш авлодни ватанпарварлик, истиқлол
ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний
қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш
борасида, тадбиркорлик, илм-фан, таълим-
тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат
ва бошқа соҳаларда меҳнат қилиб келаётган
бир гуруҳ аёлларимиз фахрий унвонлар,
орден ва медаллар билан мукофотланди.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон
Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан
бир гуруҳ қизлар аёло хулқи, ноёб истеъдоди,
зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги
муваффақиятлари ҳамда таълим, фан,
адабиёт, маданият, санъат, спорт соҳаларида
ва жамоатчилик фаолиятида эришган
алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги
Давлат мукофоти билан тақдирланди.
Эътиборли жиҳати, улар сони 28 нафарга
етди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев
иштирокчи аёлларга юксак мукофотларни
тантанали равишда топширди.

Байрам санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг
концерт дастури билан якунланди.

Абу Бакр ЎРОЗОВ,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жамиятимизда хотин-қизларнинг ўрни ва
нуфузини ошириш, уларнинг оилаларини
мустаҳкамлаш, ёш авлодни ватанпарварлик,
истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва
умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида
тарбиялаш, халқимизнинг кўп асрлик бой
маънавий меросини асраб-авайлаш,
ижтимоий-иқтисодий ислохотларни муваффақият-
ли амалга ошириш ва аҳоли фаровонлигини
юксалтириш борасидаги улкан хизматларини
муносиб қадрлаш мақсадида юртимизнинг
ишлаб чиқариш тармоқлари, тадбиркорлик,
илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш,
маданият, санъат ва бошқа соҳаларида
самарали меҳнат қилиб келаётган бир
гуруҳ аёлларимиз фахрий унвонлар,
орден ва медаллар билан мукофотлансин.

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси"

Касимахунова Анархан Мамасадиковна – Фарғона
политехника институтининг "Электр энергетикаси"
кафедраси профессори, Фарғона вилояти

Маруфова Гулнора Махмудовна – Ўзбекистон
Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари

Шахабиддинова Шоҳида Хошимовна – Андижон
давлат университетининг "Ўзбек тилшунослиги"
кафедраси профессори, Андижон вилояти

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
журналист"

Утениязова Алтингул Палуановна – Қорақалпоғистон
Республикаси телерадиокомпанияси "Қорақалпоғистон"
телеканалнинг катта муҳаррири

"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан
Рахматуллаева Шафоатхон – Қўқон шаҳар мусиқали
драма театри актриси, Фарғона вилояти

"Меҳнат шухрати" ордени билан

Бобомуродова Хосият – Ўзбекистон Ёзувчилар уюш-
маси аъзоси, шоира

Боймуродова Жумахон Норбоевна – Зарбдор ту-
манидаги "Тинчлик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси,
Жиззах вилояти

Ирисбекова Каммуна Наринбаевна – "Алоқабанк"
акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси

Истамкулова Мафратхон Мамажановна – Наман-
ган вилояти қирғиз миллий маданий маркази раиси

Қобулова Мавлуда Умаржоновна – Сурхондарё ви-
лояти ҳокимининг ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси
раиси

Махмудова Дилбар Пиримкуловна – Эркин ижод-
кор, ёзувчи ва публицист

Отажанова Масуда Юлдашевна – Муқимий номи-
даги Ўзбекистон давлат мусиқали театри солист-вокалис-
ти

Салимова Шарипа – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси, шоира

Тоқтаева Гузал Кашибовна – Ўзбекистон Соғлиқни
сақлаш ходимлари касба уюшмасининг Республика Кен-
гаши раиси ўринбосари

Давоми 3-бетда ➡

Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги XXX сессиясини чақириш тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимияти
тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қону-
нининг 17-моддасига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Халқ депутатлари Тошкент вилояти
Кенгашининг навбатдаги XXX сессияси
2018 йил 9 март кuni соат 16.00 да чақи-
рилсин.

Вилоят ҳокими **Ф. ИБРАГИМОВ**

Нурафшон шаҳри
2018 йил, 7 март

АЁЛГА ЭҲТИРОМ – ОНАГА, ВАТАНГА ЭҲТИРОМ



Ўз ғўзаллиги, нафосати билан байрам шодиёналарига фойз-тароват
бағишлаётган хотин-қизларимиз
шаънига битилган таърифу тавсифларнинг
адоғи йўқ...

Бўка туманидаги "Баҳор" маросимлар
уйида вилоят ҳокимлиги томонидан 8 март –
Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан

уюштирилган байрам тадбири аёлларимизга
унутилмас онларни ҳада этди.

Байрамона безатилган кошонада азиз
меҳмонларни тантанали кутиб олаётган
ташкilotчиларнинг ёруғ чехралари,
меҳрли, самимий нигоҳлари хотин-қизларнинг
бир чиройига ўн чирой қўшгани, қалб-

ларда эзгуликни барқ урдириб, яшнатгани
айни ҳақиқат.

Юзларида ним табассум, қўллариде гул
билан икки томонга саф тортиб, меҳмонларни
хушол қарши олаётган навқирон ўғил-қизлар
қайси онани қувонтирмайди, дейсиз!

Маросим иштирокчиларини ви-

Ўлкамизга оламни яшнатиб, ғўзал Баҳор кириб келди... Киш-қировли кунларни ортда қолди-
риб, кўкламийнинг кўклари она замин бағрини яшнатди. Ҳар қадамда янгиланиш, яшариш,
бунёдкорлик шиддати, қалбларда яратувчанлик иштиёқи. Ушбу шукуҳли кунларимизни беазаган
яна бир хосиятли айём – хотин-қизлар байрами юртимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда.



лоят ҳокими Фуломжон Ибрагимов
самимий муборакбод этди.

Дарҳақиқат, Аёл етуқ фарзандлар,
комил инсонлар яратувчиси, обод хонадон,
соғлом, мустаҳкам оила бекаси, шарқона одоб,
латофат ва садоқат тимсолидир. Аёлларни
хурмат қилиш улугларга хос фазилатдир.
Шукрки, бизнинг оналаримиз,

она-сингилларимиз ҳаммаша ҳурмату
эҳтиромга сазовор. Зеро, ҳаёт ғўзаллиги,
турмуш фаровонлиги, фарзандлар камоли
Аёл биландир. Вилоятимиз ижтимоий,
иқтисодий тараққиёти, маънавий-маърифий
ҳаёти ривожиде ҳар бир она-сингил-
лаимизнинг муносиб ҳиссаси бор...

Давоми 4-бетда ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Тулєгєнова Акшагул Абуєвна – Конимех тумани халқ таълими бўлими мутахассиси, туман қозоқ миллий маданий маркази раиси, Навоий вилояти

II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

Надирханова Наталья Суратовна – Бухоро вилояти перинатал маркази директори

Турдиева Матлюба Халимовна – Самарқанд шаҳридаги 2-оилавий поликлиника бош шифокори, Самарқанд вилояти

"Дўстлик" ордени билан

Абдуллаева Санам Раимовна – "Навоий конметаллургия комбинати" давлат корхонаси Марказий кон бошқармасининг 2-гидрометаллургия заводи кран машинисти, Навоий вилояти

Абдурахимова Мухайё Рахматуллаевна – Чимбой туманидаги "Lanextrakt" қўшма корхонасининг ташқи иқтисодий масалалар бўйича директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Бошланғичи 1-бетда

Жумаева Мавжуда Шодмоновна – Косон туманидаги "Кўзмончогим" нодавлат мактабгача таълим муассасаси мудири, Қашқадарё вилояти

Зунунова Саҳабат Исламовна – "Оила" илмий-амалий тадқиқот марказининг Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғи

Иплина Антонина Александровна – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Қадирханова Малика Акбаровна – "Тадбиркор аёл" уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими раиси

Қасимова Мукаддас Зайнутдиновна – Мирзо Улуғбек туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси, Тошкент шаҳри

Мухаммадиева Хушвак – Пахтачи туманидаги "Авангард" фермер хўжалиғи пиллачиси, Самарқанд вилояти

Садуллаева Фарахат Аминовна – Урганч шаҳридаги "Урганч миллий тикувчилик" оилавий корхонаси раҳбари, Хоразм вилояти

Саттарова Фароғат – "Оила" илмий-амалий

тадқиқот марказининг Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи

Сафарова Замира Хайдаровна – Ғиждувон туманидаги "Ғиждувон Машхураси" хусусий корхонаси раҳбари, Бухоро вилояти

Турдикулова Шахлохон Уткуровна – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Биорганик кимё институтининг директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

Хатамова Рислиғой Гофуржановна – Эркин ижодкор, шоира

Юлдашева Мухаббат Айсаҳауновна – Қўрғонтепа туманидаги "Капитал белла" масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

Юлчиева Гулнора Дехкановна – "Маҳалла зиёси" Республика ўқув-услубий маркази директорининг ўринбосари

"Шухрат" медали билан

Азизова Мафтуна Рахматулло қизи – "Хунарманд" уюшмасининг Бойсун тумани бўлими аъзоси, Ғиламдўз, Сурхондарё вилояти

Жалилова Муътабар Абидовна – Тошкент

шаҳридаги "Мурувват" ногирон болалар учун 2-интернат уйи тарбиячиси

Журабаева Саҳиба Эргашевна – "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш цехи сирловчиси, Тошкент вилояти

Кокотова Ольга Николаевна – Гулистон шаҳридаги "Кувонч" мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Сирдарё вилояти

Наврозова Лола Хушмуродовна – Қарши шаҳридаги "Санам" масъулияти чекланган жамиятининг тикув цехи устаси, Қашқадарё вилояти

Ражабова Сара Дурдиевна – Ҳазорасп туманидаги "Шовот" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 7 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 2 мартдаги ПҚ-3581-сонли қарорига иловаЗулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар
РЎЙХАТИЎзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ
Зулфия номидаги Давлат мукофоти
Билан тақдирлаш тўғрисида

Мамлакатимизда мўтабар аёл зотига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ўзининг иқтидори ва ибратли фаолияти билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган қизларни рағбатлантириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Зулфия номидаги Давлат мукофоти"ни таъсис этиш бўйича тақлифларни қўлаб-қувватлаш тўғрисида"ги 1999 йил 10 июндаги ПФ-2326-сонли ва "Хотин-қизларни қўлаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли Фармонларига асосан:

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтисодий қизларини аёло ҳуқуқи, ноёб истеъдоди, зукколиғи, ташаббускорлиғи, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида

эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги тақлифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлаб ўтказиладиган тантаналарда совриндорлик дипломлари ва кўрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиғи, Ўзбекистон Миллий телерадиоканаллари ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибдорларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсияси етказилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Т. Нарбаева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 2 март

Ташаббус

Сўқоқлик ёш тадбиркор аёл Мадина Анорбоева "Нурли Хончорбоғ" масъулияти чекланган жамиятига раҳбарлик қилади. Ҳали ёш бўлишига қарамай, қишлоғида 138 гектарли интенсив боғ яратди.

МАДИНАНИНГ ЎЗИ ҲАМ,
БОҒИ ҲАМ ҒЎЗАЛ

Лалми ерда боғ яратишнинг ўзига яраша машаққатлари бор. Бунда унга давлат томонидан ажратилган 139 минг АҚШ долларлилик грант маблағи қўл келди. Жанубий Кореядан келтирилган қуёш батареяси орқали қўчатларни томчилатиш сўғориш йўлга қўйилди. Гуркираб ўсаётган ниҳолларга боқиб, ёш тадбиркор завқини яширолмайди.

– Бу йил "Молдова олхўрсини" ҳам эқдик, – дейди у. – Келгусида бу сархил медаларни Туркияга экспорт қилишни мўлжаллаб турибмиз. Мадинанинг режалари кўп. Яқин кунларда балиқчиликни йўлга қўйиш ниятида. Шунингдек, хайр-саховат ишларида ҳам доим фаол.

8 март – Халқаро хотин-қиз-



лар кунли муносабати билан 300 нафар қишлоқ аёлларини тўқин дастурхон атрофига тўплаб, чиройли байрам тадбири уюштирган ҳам Мадина Анорбоева бўлади. Сўқоқлик кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалардан ҳоимийлик ёрдами-ни аямаётган тадбиркор бу каби савобли ишларни мунтазам давом эттириш ниятида.

С. ЭШМАТОВА
Мансур ҲИММАТОВ
олган сурат

«ОНАНГИНИ ОТАНГА БЕПАРДОЗ КЎРСАТМА»

Халқнинг бу ажабтовур нақли бежиз айтилмаган. Хотин-қизларимизнинг ўзига оро бериши, ораста юриши момоларимиздан қолган удум, аслида. Упа-элик, ўсмаю сурмаларни билмайдиган аёл йўқ, зеро, инсон табиятан ғўзаллик шайдо-

«Ғўзаллик салони»га ҳуш келибсиз!

Бу борада давлатимиз раҳбарининг ўринли тақлиф ва тавсиялари асосида ташкил этилаётган маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, хусусан, ғўзаллик уйлари хотин-қизларимизга жуда маъқул бўлаётгани ҳам айни ҳақиқат. Ҳозир нафақат шаҳар марказлари, балки қишлоқларимизда ҳам шундай ғўзаллик салонлари ташкил этилмоқда.

Юкори Чирчиқ тумани, Янгигазор кўрғонидан бир йўла иккита, Нигора Мирхамидова раҳбарлигидаги "Зилола", Зиёда Бегматова бошличилида "С класс" ғўзаллик салонлари фаолияти йўлга қўйилди. Янги иш бошлаган бу салонларда мижозлар учун барча шароитлар, қулайликлар мўхайб этилган.

– Шу пайтгача уйимга анча

си. Шунданми, ҳушсурат, фариштасифат келинчалари бор хонадонга одамлар ҳавас билан қарайди. Хонадон файзи, оиланинг чарғобони, дея таърифланган аёллар, аввало, ўз одоби, чиройи билан оила аъзоларига ҳуш кайфият улашган.



Ҳўлқар ўРАЛОВА

Ривоят қилинишича, ёвузлик қилиш ниятида йўлга чиққан бир одам табият ғўзаллиғи, одамларнинг бир-бирига бўлган меҳри – ғўзаллик намунасини кўриб,

фикридан қайтган экан.

Янгийўл шаҳри марказида барпо этилиб, ишга туширилган "Мадина" ғўзаллик салони очилишига бағишланган тадбирда иштирок этиб, шу ривоят ҳаёлда жонланди.

Бу ерда хотин-қизларимиз сартарошлик, косметология, маникюр, макияж каби бир қатор хизматлардан фойдаланишлари мумкин.

– Анчадан бери тадбиркорлик фаолиятини бош-

лаш ниятида юргандим, – дейди мазкур салон раҳбари Мадина Холмирова. – Ёшлар тадбиркорлигини янада ривожлантириш учун берилган алоҳида эътибор, тақдим этилаётган имтиёзлар тўғрисида бунга эришдим. Хотин-қизларимиз бу ерда тажрибали мутахассислар кўмағидан фойдаланиш баробарида аёллар кийим-кечакларининг кенг турдаги намуналари билан ҳам танишиш имкониятига эга бўлади. Ёш келинчалар учун алоҳида зал ташкил этилган бўлиб, уларга шу ернинг ўзида либос танлаш, соч турмаклаш ва бошқа хизматлар кўрсатилади.

Умуман, байрам арафасида вилоятимизнинг Паркент, Оққўрғон, Қибрай, Охангарон каби қатор туманларида ҳам замонавий ғўзаллик салонлари ишга туширилди. Бу хотин-қизларимизга муносиб айём тўхфаси бўлди. Уларнинг фойдаланишига топширилиш натижасида малака ва маҳоратга эга қўлаб опа-сингилларимиз бандлиги таъминланди.

Ўз муҳбиримиз

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби Суяроҳ Қурбонқуловга падари бузрукворини МАШАРИП отанинг вафоти муносабати билан қўқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти силга қарши кураш диспансери жамоаси республика бош фитизатри, профессор Наргиза Парлиевага волидаи муҳтарамаси, кимё фанлари номзоди, доцент

Ҳамида АБДУЛЛАЕВанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

"Нуроний" жамғармаси Тошкент вилояти Кенгаши узоқ йиллар қишлоқ хўжалиғи соҳасида самарали фаолият юритган, меҳнат фахрийси

Турсунхўжа ИСКАНДАРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига қўқур таъзия изҳор этади.

Мамлакатимизда
I Халқаро
матбаа форуми
ўтказилади

2018 йил 14-15 март кунлари Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиғи "A2 DIGITAL" масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда "Инновацион технологияларнинг янги қирралари" шиори остида мамлакатимизда I Халқаро матбаа форумини ўтказилади.

Форумда Америка Қўшма Штатлари, Россия, Германия, Исроил, шунингдек, Марказий Осиё давлатларидан йирик матбаа корхоналарининг вакиллари иштирок этадилар.

Форум доирасида Ўзбекистонда матбаачилик соҳасига татбиқ этилган инновацион технологиялар ва эришилган натижалар, соҳанинг истиқболдаги ривожланиш тенденциялари ҳусусида назарий ва амалий мулоқотлар, тақдиротлар ва учрашувлар ташкил этилади.

"Инновацион технологияларнинг янги қирралари" I Халқаро матбаа форумида иштирок этиш истагини билан бўлганлар интернетдаги – www.lpforum.uz манзили орқали рўйхатдан ўтиши, шунингдек, мазкур форум билан боғлиқ ўзларини қизиқтирган барча маълумотларга эга бўлиши мумкин.

"Инновацион технологияларнинг янги қирралари" I Халқаро матбаа форумига барча қизиқувчилар тақлиф этилади.

Эълон

ТАДБИРКОР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!
"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ оммавий савдоларга тақлиф этади.

Савдоларга "ALBOS BIZNES" МЧЖнинг Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Туркистон ҚФЙ, "Балиқчи" маҳалласида жойлашган қўйидаги мулкларни чиқарилганлигини маълум қиламиз:

1. Умумий ер майдони 0,6929 гектарни ташкил этувчи Иссиқхона бино-иншоотлари, бошланғич нархи – 1 200 000 000 сўм;

2. Умумий ер майдони 1,7729 гектарни ташкил этувчи Иссиқхона бино-иншоотлари, бошланғич нархи – 2 000 000 000 сўм.

Савдога чиқарилган мазкур мулкларни сотиб олиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар эълон чоп этилган

санадан бошлаб, расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Энг юқори тақлифи берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Савдога қатнашиш учун ариза билан биргаликда қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ғувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

– жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, вакил қатнашган тақдирда рас-

мийлаштирилган ишончнома, вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Тақлифи маъқул топилган талабгорга келишув битими тузилган кундан бошлаб, 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотиш шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: (0371) 228-80-26. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@mail.ru. Лицензия RR-0001.

АЁЛГА ЭҲТИРОМ – ОНАГА, ВАТАНГА ЭҲТИРОМ



Самимий эътирофлардан кейин бир қатор фаол аёлларга вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиги, ажойиб гулдаста, эсдалик совгалар топширилди экан, чехралар-

Бошланиши 1-бетда



да қувонч ва шодлик, чуқур миннатдорлик ифодалари акс этди. Улар орасида ёш истеъдод соҳибалари, Зулфия мукофоти совриндорлари, спортчи қизлар, захматкаш ўқитувчилар, фидойи шишфорлар, Ўзбекистон Курол-

ли Кучлари сафларида хизмат қилаётган ҳарбий аёллар, ҳуқуқ-тартибот идораларида фаолият юритаётган хотин-қизлар, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, фермерлар, маҳаллалар фаоллари бор.

– Менга вилоят прокурорининг ўзи гул берди-я, – дейди ҳаяжонланиб бир онахон. – Омон бўлишин, илоҳим. Ахир, жамиятимиз барқарорлиги, хавфсизлиги улар туфайли-ку! Бундай эътибордан кўнглим тоғдек кўтарилди.

– Менга эса ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўзи гул билан совға тортиқ этди, – дейди қувониб унинг суҳбатдоши. – Бундай эътибор, эъозлар учун фақат ташаккур айтиш, фарзандларимиз, невараларимизни шундай инсоний фазилатли қилиб тарбиялашимиз керак.

– Мустақил Ўзбекистонимиз аёлларининг бахти бор-да, – дейди Олмалик шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Зарифа Хилватуллоева. – Ҳақиқатда давлатимиз эътиборида, эл-юрт ардоғида. Оиласи, фарзандлари келажагидан кўнгли тўқ.

Негаки, тинч, осуда, фаровон ҳаёт кечираймиз. Шу билан бирга, аввало, аёлик, оналик масъулиятини унутмаслигимиз, нафақат ўзимиз, балки ён-атрофимиз, маҳалламиздаги хотин-қизларнинг аҳоли, руҳиятидан хабардор бўлиш, эҳтиёжманд оилаларга кўмаклашимиз зарур.

– Байрам баҳона вилоятдаги кўпгина қадрдонлар билан дийдорлашдик, таниқли санъаткорларнинг куй-қўшиқ, рақсларини томоша қилиб завқландик, – дейди "Максам-Чирчиқ" корхонаси цех бошлиғи Шоҳида Узоқова. – Бугунги байрам таассуротлари ҳали узоқ йиллар хотирамда сақланиб қолади.

Шунингдек, вилоятимиз хотин-қизлари учун Ўзбек Миллий академик драма театрида спектакль намойиш этилди.

Ўз мухбиримиз

Байрам илҳомлари

ОНАНГИЗНИ
ЙЎҚЛАНГ...

Байрамлар-ку ўз
йўлига, оддий кунда,
Ибодатдек бу амални
этмай канда,
Оллоҳ сўзсиз рози бўлар
сиздан шунда,
Онангизни йўқланг аввал,
онангизни!

Йўлингизга кўз тикканлар
қатор-қатор,
Совға берманг, ҳурматингиз
бир пул, бекор,
Кўлингизга қарамаган
яна ким бор,
Онангизни йўқланг аввал,
онангизни!

Келажакдан кўнглингизни
тўқлаш учун,
Фарзанд деган лавозимни
ёқлаш учун,
Бир кун берган оқ сутини
оқлаш учун,
Онангизни йўқланг аввал,
онангизни!

Дийдорингиз жонига жон
қўшмасму ё?
Жаннатингиз шу дунёда
эмасму ё?
Фақат сизни дуо қилган
икки дунё,
Онангизни йўқланг
аввал, онангизни!

Тирикчилик, турмуш, кунда
бир муаммо,
Асли шундай яраLEAN
бу еру-само,
Болам дея яшасанин
яшанг, аммо,
Онангизни йўқланг аввал,
онангизни!

Юзидаги ажинларга
сабақкорсиз,
Эгиккина бошгинасин
босган қорсиз,
Тонларингиз қолса қолсин
ибодатсиз,
Онангизни йўқланг аввал,
онангизни!

Беш кунлиги борми,
йўқми билалмайсиз,
Онадан сўнг бир кун
ўйнаб-қулолмайсиз,
Жонни бериб қарзингизни
тўлолмайсиз,
Онангизни йўқланг аввал,
онангизни!

Малика САЛИМОВА
Пискент тумани

«ЎЗИМ ҲАР ЖОЙДАМАН,
КЎНГЛИМ СИЗДАДҲР...»

Бугун вилоятимиздаги хайрли ўзгаришлар, янгиликлар, бунёдкорликлар шу кўнгли заминнинг фарзанди сифатида мени беҳад қувонтиради. Санъат олами вакили бўлганим учун, айниқса, "Нурафшон" телеканали ҳамда янги театр ташкил этилаётганини эшитиб, бошим осмонга етди.

Ортимизнинг ҳамма ҳудудларидаги каби бизнинг вилоятда ҳам интилувчан, изланувчан, иқтидорли ёшлар кўп. Уларнинг фаолиятини кенгроқ еритишда, албатта, вилоятнинг ўз телеканали бўлганига нима етсин.

Тўғри, марказий телеканалларда вилоятимизнинг мафтункор табияти, самимий, қўбилиятли кишилари ҳақида туркум кўрсатувлар пайдар-пай эфирга узатилапти. Лекин, тележурналистларимиз ҳамма туманлар шаҳарларни, қишлоқлар маҳаллаларни тўлиқ қамраб олган, деб бўлмайди. Шу маънода, янги ташкил этилаётган телеканал вилоятимизнинг Шохруҳия каби буюк тарихи, неча минг йиллик эзгу урф-одатлари, нурунийларимизнинг ибратли ҳаёти, ёшларимизнинг орзу-интилишларини ютуқлари ҳақида батафсил теледас-турлар тайёрлашларига ишонаман.

Янги телеканалнинг ижодкорларига вилоятимизнинг қишлоқлари, қир-адирларию, тоғларидаги ҳар бир тош, боғларидаги ҳар бир гул-ғиёҳ таниш ва қадрдон бўлиб қолади, деган умиддаман. Шунингдек, лаҳза сайин равақ топаётган иқтисодиётимиз, фаолиятини кўндан-кўн кенгайтираётган тадбиркорларимиз ҳақида ҳам мунтазам кўрсатувлар тасвирга олинади. Энг муҳими, янги телеканал вилоятимиз аҳлининг янги минбарига айланади.

Тошкент вилоятдаги янги театр юртдошларимизни бағрига чорлаган кўн ортиқча тақлиф ва тақаллуф қилиб ўтирмай, биринчилардан бўлиб, сидқидилдан хизмат қилишга ошиқаман. Ўзбек Миллий академик драма театридаги етук санъаткор сафдошларимга илтимос қилиб, янги театр ижодкорлари учун маҳорат сабоқлари – мастер класслар ташкил этилишига, албатта, ҳисса қўшаман. Театрга қадам қўйган ҳар қандай томошабин маънавият оламида бир поғона юксалиши шубҳасиз. Шунинг учун театрларимиз қанча кўп бўлса, томошабинлар қанча кўп қамраб олинса – шунча яхши!

Фурсатдан фойдаланиб, 8 март – гўзаллик ва нафосат байрами билан барча онажонларимизни, опа-сингилларимизни, дилбар қизларимизни чин дилдан қўтлайман. Уларга, энг аввало, мустаҳкам соғлиқ ва оилавий бахт тилайман. Аёлларга одатда баҳордек очилиб юринг, деб хушомад қилишади. Лекин мен юртимиз баҳори ўзбек аёлларидек очилиб юрсин, дегим келади. Тинч ва фаровон кунларимизга кўз тегмасин!

Зухра АШУРОВА,
Ўзбекистон
халқ артисти



Изҳор

Оила ва жамият устуни, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлган хотин-қизларни эъозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимиз учун азал-азалдан буюк қадрият бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

АЁЛ ОЛАМИ

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ва «Тошкент ҳақиқати» газетасининг қўшма лойиҳаси

ИШДА ҲАРБИЙМИЗ, ОИЛАДА ОДДИЙМИЗ

Хозирги кунда Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида фаолият олиб бормоқдаман. Болалигим вилоятимизнинг энг гўзал маскани, турфа рангда жилоланадиган зилол сувлар, ям-яшил арчазору мевазор боғлар, сервизор тоғлар макони – Бўстонликда ўтган.

Табиат мўъжизаларию, баҳорги ёмғирдан сўнг етти хилда товланиб, оламни яшатиб, қўзларни қувонтирадиган камалак рангларига маҳлиё бўлиб, қир-адирлар, тоғ ён бағрида чопқиллаб катта бўлганман. Балки, кимёвий ҳодисаларга қизиқишим шундандир. Аммо, шу гўзал юрт сура-ти юрагимга бир умр муҳрланиб қолгани рост. Олийгоҳни тугатиб, Москвада номзодлик диссертациясини ёқлаб келганимда, онажонимнинг қувончдан кўзёшлари

тўхтамай: "Ўзимнинг зукко, жасур қизим", деб эр-калагани ҳамон ёдимда. Бу менинг қиз бола бошим билан узоқларда ўқиб, яна фан номзоди бўлиб келганимга ишора эди.

Дарҳақиқат, баъзан аёл қалби "гулдан нозик, тошдан қаттиқ" дейишади. Олима бўлишдек орзуимга етмагунча оила қуришни ўйламабман ҳам... Ниҳоят, оилани, оналик бахтига мушарраф бўлдим. Ҳарбий хизматчи, Ватан ҳимоячисига турмушга чиқдим. Умр йўлдошим,

офицер Шўхрат Абдуллаев билан уч эгизак фарзандларимиз – Ҳасан, Хусан ва Зухраларни тарбиялаб, вояга етказдик. Биргаликда Чирчиқ олий



танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида фаолият олиб бораё-миз.

Машгулотларни янгича инновацион технологиялар

ва интерфаол усуллардан мохи-рона фойдаланган ҳолда ўтишга, курсантларда кимё фанига бўлган қизиқишни янада кучайтиришга астойдил ҳаракат қилмоқдаман.

Мен хизмат қилаётган ҳарбий қисмда ҳам мард ва жасур ўғлонлар кўп. Бу йигитларга қараганимда шундай фарзанд ўстирган, уларни соғиниб кутадиган оналар кўз олдимда гавдаланади. Шундай йигитларни вояга етказган муҳтарам оналарга таъзим қилгим, айни хотин-қизлар байрами билан қўтлагим келади...

Рано ВОРИСОВА,
"Шўхрат" медал
соҳибаси

СЕН ҲАЛИ ЯШАЙСАН, ЛОЛА...

... Лола мактабни аёло баҳорларга битирди. Сўнгра, зўр орзу-ҳавас билан олийгоҳга кириш учун ҳужжат топширди. У ҳали қувчи эканидаёқ гўзал шеърлар ёзар, ажаб раван мисралари билан устозлар эътиборига тушган эди. Шундай қилиб, қизнинг ёруғ хаёллари тақдирига қучоқ очаётганда, уйда бошқа ҳол эди. Қайфи тарақ ота, қизик устида, эндигина мактабни тамомлаган маъсума қизалоғини эски танишининг сўлоқмондек ўғлига унашиб қайтганди...

Бу вазиятдан хабар топган муаллима Лоланинг уйига келиб, ота-онани бу ғирром аҳдидан қайтармоқчи бўлди. Бироқ...

Лола шўрлик найласинки, унинг покиза орзулари йўлига тўшланган эди. Ҳовки, дунёга келтириб, сочининг толасидан тирноғига қадар ундан домангир бўлишга ҳақли азизларидан "совға" эди. Шундай қилиб, Лола – ўспирин қизгина олийгоҳга кирганини билган, севиниб уйига келганда, бу ёқда аллақачон тўй тарадудиди бошланган, иложи – иложсизлик, чораси – чорасизлик эди...

Тўй бўлди. Хою ҳавасли тўй. Ширакайф ота данғур-дунғур билан роса ҳумордан чиқди. Гўё айғир мисоли кишнаб-кишнаб рақсга тушди. Орадан вақтлар

ўтди. Лола, муштипар Лолажон катта хонадондаги оғир юмушларга, саҳармандондан бошла-ниб, оқшомга қадар қўзилади-ган адоқсиз юмушларга ўзини олдириди. Ва... фарзандини дунёга келтирар чоғи омонати-ни топширди.

Ҳамма йиғлади, ҳатто маҳалладан келиб бу ҳолга гувоҳ бўлганлар ҳам.

Ғалпи нечук бундай ғамгин воқеани эслашдан бошлаганимизни ҳозир тушунтираман. Байрам баҳонасида ҳудуд кезарканмиз, Оҳангарон туманининг "Шодмалик" маҳалласида жойлашган 5-умумтаълим мактабида байрамга бағишлаб ўтказилаётган тадбир устидан чиқдик. Мактаб ўқувчилари халқаро хотин-қизлар кунини нишонлашга астойдил тарадуд кўрган, турли-турли саҳна кўринишлари даврани кўздирад эди. Биз борган пайтда, мусобақа тарзида таш-

кил этилган мазкур тадбирнинг иккинчи шarti бошланган, унга кўра, иштирокчи томонлар "Муаммоли вазият" бўйича саҳна кўриниши тайёрлаган экан. Сиз юқорида ўқиган воқеа ҳали мактаб ёшидаги қизларжонининг ўзаро маслаҳати, дунёга айтар сўзи бўлиб, тадбирга ташриф буюрган маҳалла-қўй, мактаб ахли олдида воқеа бўлди. Хайрият ва тасалли шуки, бу саҳна кўриниши эди, холос...

Албатта, байрам чоғида, бундай манзара қалбни маҳзун қиладди. Бироқ, бу ҳикояни келтиришдан мурод шуки, қаранг, ёшларимизнинг кўзига яхшилаб боқинг, улар кун кеча Президентимиз Навоий вилоятидан туриб айтган куюнчақ сўзларига шу қадар мос ва уйғун тафаккур юритса... Бу қандай миллатки, юрт отаси ва қақажон қизларининг тафаккур тарзи бир нуқтада туташса...

Ҳа, фақат буюк ҳодисалар, адолат доялик қилган гоғлар билан мана шундай ҳаққоний тасодифлар содир бўлиши мумкин...

Беҳзод ҚОБУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Сайёра РИХСИЕВА, Қобилжон ҒОҒУРОВ (фото) тайёрлади

БИТТА ТАБАССУМИНГ КИФОЯ



Мен бугун ўз юртига довурак ўғил ўстириб берган опа-сингилларимни мол-мулки кўп, ҳар жиҳатдан ҳимояланган бойга ўхшатгим, соғлом ва оқила қизларни тарбиялаб, вояга етказган мўътабар аёлларни улуғлагим келади. Зеро, онажонларимизни ҳар қанча эъозласак кам.

Юртимизда аёлларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, ўғил-қизларимизни ҳар жиҳатдан соғлом камолга етказиш масалаларига устувор вази-фа сифатида қаралмоқда. Хозирги кунда вилоятлар, шаҳар қишлоқларда, ҳатто, энг чекка ҳудудлар аҳоли-сини ҳам замонавий тиббий хизмат

билан қамраб олиш, бола-лар саломатлигини янада яхшилаш, турли касалликларнинг олдини олишга эътибор кучайтирилади. Булар ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Тўғри, муассасамиздаги болажонларнинг руҳий ҳолати одамни бир оз ташвишлантиради. Бироқ, улар ҳақида давлатимиз ҳимоясида, ҳар томонлама бекаму кўст яшашлариға шароит яратилган. Уларга фақат она меҳри, оила тафти етимишайди, холос. Шу ўринда, аёлларимизга фарзандини ўз меҳридан бебаҳра қилмаслик, масъулиятни ҳис этиши жуда муҳимлигини яна бир бор эслатмоқчиман. Шунингдек, оналик бобида бахти бутунлиқни тилайман. Зеро, сиз дунёга келтирадиган соғлом фарзанд оталар гурури, орномусини кўкларга кўтариб, оилалар мустаҳкамлигини, жамият тараққи-ятини таъминлайди.

Сандя МИРЗАРАҲИМОВА,
Ихтисослаштирилган типдаги
болалар уйи бош шифокори

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Файрат
ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.
18 170 нусхада
чоп этилди

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-58-85 (факс)
233-70-10
233-12-83
233-38-23, 233-48-08
233-65-59
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида
2011 йил 12 январда
03-001 рақами билан
рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Холмурод САЛИМОВ
Назоратчи мусоҳҳиҳ
Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУҲҲАЕВ